



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 31 январь, № 23 (8646)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЁДГА ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Тошкент шаҳрида Ислон Каримов ҳайкали пойига гулчамбар кўйди.



Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва давлат қурилишида Биринчи Президентимизнинг улкан хизматлари борлигини хурмат билан ёдга оламиз.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг эътибори билан унинг хотираси абадийлаштирилди, мақбараси барпо этилди. Ислон Каримов таваллуд топган 30 январь кунини нишонлаш аънаънага айланди.

Фидойиларини эъзозлаган халқ ҳамиша хурматга сазовор. Хотира тадбири бунинг яна бир ифодаси бўлди. Қуръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди. Биринчи Президентимизнинг Ўзбекистон

манфаати йўлида қилган ишлари, инсоний фазилатлари ёдга олинди.

Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида ўтган маросимда Олий

Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, шаҳар жамоатчилиги иштирок этди. Биринчи Президентимизнинг

Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар кўйилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон — Хитой:

## ИНСОН КАПИТАЛИ УЧУН САРМОЯ

Энди нафақат товар, балки билим ҳам айирбошлаймиз.



“Самовий империя”... Бу — Ер юзи аҳолисининг қарийб бешдан бир қисми яшайдиган давлат — Хитойга тегишли таъриф. Дунёга янгидан юз очаетган янги Ўзбекистон эса “Марказий Осиё йўли” деб эътироф этилмоқда.

Хўш, жаҳоннинг иккинчи энг йирик иқтисодийотига эга ва ҳатто 2030 йиллардан кейин бу борада биринчи рақамли мамлакатга айланиши прогнози қилинаётган Чин юрти билан бизни янада яқинлаштираётган, жиқлаштираётган нуқталар қайси?

Ўтган ҳафтада Президентимизнинг ушбу мамлакатга қилган давлат ташрифи давомидаги самарали учрашув ва эришилган манфаатли келишувлар мисолида бу саволга жавоб топдик.

### Хамкорлик

Узоқ куттирмаган рекорд натижа

Тан олиш керак, Хитой муҳим халқаро жараёнларнинг масъулиятли иштирокчиси. Жаҳон сиёсати ва бошқарувида пешқадамлардан бири. Ўттиз йилдан кўпроқ вақт ичида қашшоқликдан қарийб 18 триллион долларлик иқтисодийотига эга бўлган давлат.

Хитой биз учун қанчалик стратегик аҳамиятга эга бўлса, Хитой учун ҳам Ўзбекистон шунчалик муҳим. Натижада икки давлат Марказий Осиёдаги масалаларни ҳал қилиш, муҳим таъминот занжирларига уланиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, таълим каби масалаларда ҳамкорлиқни ривожлантирмоқда.

Узаро мулоқотларда қайд этилганидек, икки мамлакат етакчиларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ту-

файли Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари барча соҳа ва йўналишда мисли қўрилмаган даражага кўтарилиб борапти.

Ўтган йилда биргина товар айирбошлаш ҳажми 50 фоизга ошиб, рекорд кўрсаткич — 14 миллиард долларга етгани бунинг яққол тасдиғи. Бошқача айтганда, ўтган йил якунлари бўйича товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етган бўлса, яқин истикболда буни 20 миллиард долларга етказиш учун имкониятлар мавжуд.

Қолаверса, кейинги йилларда Хитойдан Ўзбекистон иқтисодийотига инвестициялар ҳажми беш баробар, қўшма корхоналар сони эса уч баробар ошгани янада қувонарлик.

Энг муҳими, ҳамкорлик кўлами нафақат савдо-иқтисодий, балки маданий-гуманитар,

илм-фан, таълим соҳаларида ҳам изчил ривожланиб бормоқда ва бу алоқалар бугун ё кеча пайдо бўлгани йўқ...

Буюк Ипак йўлида туташган тарих...

Бизнинг тарихий алоқаларимиз икки минг йил аввал асос солинган Буюк Ипак йўлининг бошланишига бориб тақалади, у орқали жаҳон савдосининг асосий қисми ўтган. Бунга Милоддан аввалги I-II асрларга мансуб ёзма манбалар ва замонавий Ўзбекистон ҳудудидаги археологик топилмалар далил бўлади.



### Мулоқот

## ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банки вакиллари билан видеоконференцадо шаклида музокара ўтказди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йили май ойида Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро молия корпорациясининг пахта-тўқимачилик соҳасида муносиб меҳнат стандартлари ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилган “Better Work” кўшма дастурини Ўзбекистонда таъбир эътиш бўйича меморандум имзоланиб, лойиҳага старт берилган эди.

Учрашувда мамлакатимизда ушбу лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги устувор вазифалар муҳофама қилинди.

Халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини илгари

суриш, ишлаб чиқариш жараёнига жаҳоний стандартларни, хусусан, ишлаб чиқариш, техник, меҳнат ва экологик стандартларни кенг татбиқ қилиш, ишчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилаётгани эътироф этилди.

Айни чоғда Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги халқаро стандартларни илгари суришга муносиб ҳисса қўиши айтиб ўтилди.



### «Осиё кубоги — 2023»

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЧОРАК ФИНАЛДА

Шу кунларда Қатар яшил майдонларида давом этаётган футбол бўйича Осиё кубогининг чорак финал иштирокчилари аниқланмоқда.

Кеча С. Катанец мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси нимчорак финалда Таиланд терма жамоасига қарши майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида зафар кўчди. Мазкур мамлакатлар футболчилари шу кунга қадар турли мусобақалар доирасида 12 мартаба куч синишиб, 6 мартадан галаба қозongan. Узаро ўйинларда дуранг натижа қайд этилмаган.

Бевосита учрашувга тўхталадиган бўлса, ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ ҳужумга отланган футболчиларимиз тезкор гол уришга ҳаракат қилишди. Бироқ Остон Урунов, Жалолдидин Машарипов ва Дийёр Холматов кулай вазиятлардан фойдалана олмади. Баҳснинг 37-дақиқасига келибгина ҳисоб очилди. Дийёр Холматовнинг мохирлик билан узатган тўпини Азиз Турғунбоев рақиб дарвозасига аниқ йўллади. Ҳисоб — 1:0.

Ўйиннинг 2-бўлимида эса жамоалар биттадан гол уриб, яқиний натижага нукта қўйишди. 58-дақиқада таиландлик Супачок Сарачат ва 65-дақиқада Аббосбек Файзуллаевнинг узқдан йўлланган зарбаларини дарвозабонлар қайтара олмади — 2:1.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси чорак финалда Қатар терма жамоасига қарши баҳс олиб борадиган бўлди. Учрашув 3 февраль куни Тошкент вақти билан соат 20:30 да бошланади.

Нимчорак финалнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Австралия — Индонезия 4:0, Тожикистон — БАА 1:1 (пенальтилар сериясида 5:3), Ироқ — Иордания 2:3, Қатар — Фаластин 2:1, Саудия Арабистони — Жанубий Корея 1:1 (пенальтилар сериясида 2:4).

Суннатилла ИСЛОМОВ (Халқ сўзи).



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШДА ЗАРУР ҲУҚУҚИЙ АСОС ЯРАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимиз раислигида давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан ушбу соҳалардаги имкониятлар чуқур таҳлил қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар ҳам белгилаб берилгани қайд этилди. Шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ имтиёзлари

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқариши қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча кiritиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддаси-модда кўриб чиқилди.





### ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Бугунги кунга қадар учта ҳудуддан олтига компания ХМТнинг "Better Work Uzbekistan" дастурида рўйхатдан ўтган бўлиб, лойиҳа талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишлар олиб борилаётган. Шунингдек, жорий йилда қўшимча яна саккизта компанияда бу борадаги сай-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

### АҲОЛИ МАНОФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШДА ЗАРУР ҲУҚУҚИЙ АСОС ЯРАТИЛАДИ

Маълум қилинганидек, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, ҳомашё хариди, ишлаб чиқарилган маҳсулот савдосининг катта қисми яширин тарзда амалга оширилмоқда ва ташкил этилган янги ишлаб чиқариш қувватлари тўлақонли фаолият кўрсатмапти.

Ушбу қонун лойиҳаси заргарлик соҳасини маҳаллий саноатнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш, қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳомашёга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у билан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар берилмоқда.

Хусусан, лойиҳа доирасида Солиқ кодексига қўшимча киритиш орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо тошларни ҳомашё сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда қўшилган қиймат солигини тўлашдан вақтинчалик (2027 йил 1 январга қадар) озод қилиш назарда тутилмапти.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси шу йилнинг 17 январь куни бўлиб ўтган кўйи палатанинг ялпи мажлисида кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан берилган фикр-мулоҳазалар асосида такомиллаштириш учун маъсул қўмитага қайтарилган эди.

Утган даврда қўмита томонидан берилган тақлифлар ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг ақсарияти лойиҳани такомилга етказишда эътибор қилиниб олиниди ва қонун лойиҳаси маромига етказилди.

Депутатларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ишлаб чиқарувчиларни ҳомашё билан таъминлаш, заргарлик буюмлари таннорнинг пасайиши ва янги иш ўринларини яратишга, экспорт ҳажмини оширишга ҳамда соҳадаги "яширин иқтисодиёт"га барҳам беришга хизмат қилади.

### МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенатида мамлакатимиз сайлов қонунчилигида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган семинар ташкил этилди.

#### Семинар

Маҳаллий Кенгашлар учун ўтказилган ушбу тадбирда парламент юқори палатасининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўлими аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўлими доимий комиссиялари раислари, қотибят диллари, депутатлар, қўмита ҳузурдаги экспертлар гуруҳи аъзолари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

### Гийёҳвандлик воситаларининг рекламаси учун кескин жавобгарлик белгиланмоқда

Мажлисда гийёҳвандлик воситаларининг рекламаси билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам атрофида кўриб чиқилди.

Бугунги кунда гийёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсирга эга ва заҳарли моддаларни реклама қилиш, намойиш этиш ва тарқатишининг янги усуллари пайдо бўлганига айрим қонун ҳужжатлари ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилишини тақозо қилмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳасида ушбу зарарли моддалар рекламасини интернет орқали тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш билан шуғулланиш ва намойиш этиш учун маъмурий жавобгарлик, бир йил ичиди тақроран содир қилинганда эса жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Қонун ташаббускорлари таъкидлаганидек, гийёҳвандлик воситаларини ўтказиш учун мижозларни топишда ахборот технологиялари ва интернетдан фойдаланиш ҳолатлари кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса жиноят содир этган шахсни аниқлашда қийинчилик туғдирмоқда.

Ушбу жиноий қилмиш бугунги кунда тергов органи томонидан умумий асосларга кўра квалификация қилинаётганига айбдор шахсларга нисбатан муносиб жазо чораси қўллаб-қўйиладиганига сабаб бўляпти.

Мазкур қонун лойиҳаси билан гийёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларини телекоммуникация тармоқлари ва интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдалан

иб қонунга ҳилоф равишда муомалага киритилганлик, ушбу жиноятларни вояга етмаганлиги жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кўйилтирилмоқда.

Бундан ташқари, гийёҳвандлик воситалари ҳамда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни тарғиб этиш билан боғлиқ реклама ўйинларини таълим муассасалари атрофида ва ҳудудда тарқатилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда.

### Муҳокама

### ЖАВОБГАРЛИК ЭРКИНЛАШТИРИЛИШИ

#### юртимиз имижига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этишга хизмат қилади

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда жамяиятда қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида қўламли ислохотлар олиб борилаётган.

Бу сай-ҳаракатлар бежиз эмас. Зеро, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазо ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқбозарликлар профилактикаси — жиноятларнинг олдини олиш айти соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати қирқ тўққизинчи ялпи мажлисида маълумланган "Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносибати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам ушбу мақсадга йўналтирилганлиги билан диққатга sazovor.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ҳудудига учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, саклаш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ содир этилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, маълумотларга қараганда, 2019 — 2022 йиллар мобайнида судлар томонидан ушбу модда асосида 130 та жиноий иш кўриб чиқилган.

Жазо чоралари қатъий белгиланган бўлишига қарамай, ушбу тоифа жиноятлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, судлар томонидан 2019 йилда атиги битта иш қўрилган бўлса, 2020 йилда бу рақам 23 тага, 2021 йилда 41 та, 2022 йилда эса 65 тага етган.

Бу каби қилмишлар фуқаролар томонидан қонунчилик талабларини билмаслик оқибатида содир этиш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, узок вақт чет элда яшаб қайтган фуқаролар бундай қўламлилик ҳам баъзи юрtdошларимизда улардан фойдаланиш мумкин деган янглиш фикрни шакллантирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бироқ "қонунни билмаслик — жазодан озод қилмайди" деган қоида бор. Шундай бўлса-да, судлар томонидан бундай қилмишларнинг 97 фоизи бўйича жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодлиқни чеклаш каби жазо чоралари қўлланилмоқда.

Кези келганда, бугун юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаш зарур. Шу асосда сайёҳлар учун қулай шарт-шароит яратиш келинмоқда. Аммо "дрон"лар билан боғлиқ муаммо юртимизга таширф буюраётган сайёҳлар эътирозларига сабаб бўлаётган ҳолатлар ҳам, афсуски, учраб турибди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро имижидан тортиб аҳолининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

## ЭШИТУВ

# АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ИФЛОСЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА



Мазкур масала дастлаб Экологик партия фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг қўшма йилгида атрофлича муҳокама қилинган эди. Шундан келиб чиқиб, атмосфера ҳавоси муҳофазасига оид кўрилатилган чоралар бўйича ҳақиқий ҳолатни ўрганиш, аҳолининг фикр-мулоҳазаларини эшитиш мақсадида ҳудудларда ҳам ўрганишлар олиб борилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан республикада, шу жумладан, Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. Абдуҳакимовнинг ахбороти эшитилди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниди.

Мажлисда суд ва тергов органлари жалб этиладиган баҳоловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Мажлисда суд ва тергов органлари жалб этиладиган баҳоловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Мажлисда суд ва тергов органлари жалб этиладиган баҳоловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

«Халқ сўзи».

Шухрат ЧЎЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари.

Танлов

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЮЛДУЗЛАРИ

Пойтахтимизда "Янги Ўзбекистон юлдузлари" маданият ва санъат миллий мукофоти...

Дастлаб номзодлар йил якуни бўйича ижодий фаолиятида эришган ютуқларидан келиб чиққан ҳолда...

— Фолибар сафидан ўрин олганидан жуда хурсандман, — дейди "Илнинг энг яхши аскиячи"...

«Халқ сўзи».

Биз ва жаҳон

ФРАНКФУРТ-МАЙНДА «ЎЗБЕК АЁЛИ» БИРИНЧИ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Франкфурт-Майн шаҳрида Германиядаги Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳуқуқий ҲИМОЯСИ...

Таъдир Ўзбекистоннинг Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулига...

Бош консуллик, "Хумо" невис — ўзбек маданияти жаҳонга...

Иштирокчиларга Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаолигини ошириш...

Хусусан, Германиядаги ўзбек аёлларининг оилавий ва ижтимоий интеграциялашуви...

Учрашув якунида форум катнашчилари ташаббуси билан...

«Дунё» АА. Франкфурт-Майн

«ЖУРФАК»ДАГИ ЖҰМАРА ЖАДИД...»

«Одамийлик сийрати. Бойбўта Дўстқораев замондошлари хотирасида» китобига сўнгсўз ўрнида»

Устозимиз Абдулла Орипов "Хаёт мендан аямади неъматларини", дея эътироф этганидай, тақдирга шукроналар бўлсинки...

Илм-фан фидойилари

Университетнинг физика-математика факультети талабалар орасида «физмат» дейилар, биология — «биофак», химия, география — «химфак»...

олгандай бўлди. Профессор Тўғон Эрнарзоров, Мухтор Худойқулов, Фатхуллу Лутфуллаев...

бир юк домлани қўйвормайн зимдан босиб турар, шундай лаҳзаларда Бойбўта ака ўзига ўзини...

Кеч куз эди, мен сени қўрдим, Деразамдан боқарди бирим. У сен эдинг, о, деҳқон юртим...

«Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон янги» дейилганидек, қорнимиз очу қўнғилларимиз дарё ўша талабалик йилларининг илк бегубор паллаларида...

Яна талабалик даврига қайтайдиган бўлсак, факультетга ҳар кун келиб-кетадиган тўрт-беш инсонлар бор эдики...

Асарнинг ҳар бири вараги, ҳар бир экранининг ҳар бири қисмида амалий кейвониллик қўрсатган таниқли адибимиз Хайридин Султонов...

Шундан сўнг ҳурматли ёзувчимиз китоб чоп этилганидан буён ўтган катта муддатни унинг қайта тўлдирилган нашрини амалга ошириш хусусидаги жўяли тақлиф ва мулоҳазаларини билдирадими...

Уз вазифини ҳалол бажариб, ҳаммаимизни эҳтиёт қилар, ўқшимизга, уйимиз ва ота-онаимизнинг бағрига соғ-омон қайтишимизни тилаб, доим хушёр ва сергак бўлса-да, лекин қанақадир оғир

берган. Ўша йилнинг 8 октябрь куни аълолик гувоҳномасини топшираркан, уюшма раиси устоз Абдулла Орипов гап орасида «Журфак»даги жўмард жадид Бойбўта Дўстқораев» деган иборани ишлатган эди...

Абдулла аканинг «Замон ўзгаради, мутлақо янги замон бўлади, замоннинг эгаси ҳам ўзгаради. Шу замонга доғ туширмади, минбарини пок сақланглар...» деган орадан етти-саккиз йил ўтиб айтган даъватлари айнаи замонга мос ва мувофиқ келганини энди даврнинг ўзи қўрсатиб турибди.

Президентимизнинг юксак маърифатпарварлик сиёсати самараси ўлароқ мамлакатимизда «Жадид» номли янги газета чоп этила бошланди. Давлат раҳбарининг газетга жамоаси ва муштариларига йўллаган табригида бурч ва ниятларимиз очик-ойдин қўрсатиб ўтилган:

«Ўлкамизда илк миллий матбуот нашрлари асос солган маърифатпарвар жадид боболаримиз газетани «бутун дунёдаги маданият миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ҳамда инсоният тараққийсининг энг юқори погонасига эришмоқ учун лозим бўлган сазъ ва ҳаракатлари тўғрисида бир-бирлари билан маслаҳат ва кенгаш қилмоқ учун бағоят зарур бир восита» деб биланган.

«Жадид» газетаси ана шундай эзгу аънаваларни давом эттириб, улуг аждодларимизнинг Янги Ўзбекистоннинг тараққий стратегияси билан муштарак бўлган гоя ва дастурларини атрафлича ёритиш, бу қутлуғ меросни эл-юртимиз, биринчи навбатда, ёшларимизнинг қалби ва онгига етказишга, жамоатчилик фикрини шакллантиришда ўзига хос эркин минбар бўлади, деб ишонаман».


Қўриниб турибдики, Бойбўта домлага ўхшаган ўнлаб, юзлаб эрқарпар инсонларнинг мустабид тузум исканжасида йиллар давомида тилу забонсиз, жим ва сокин юришга мажбур бўлганлари — суронли сокинлик бўлган ва бу захматқаш умрнинг асл ёмби олтинларидан бири, шак-шубҳасиз, «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» номи билан миллатнинг эрк ва саодат солномасидан муносиб маъна қалласига ҳақлидир, албатта.

Шу ўринда мавзу ва маъсулиятигирин нечоғли мураккаб ҳамда оғир эканини англамоқ учун китобдан бир жуфт иқтибос келтиришимиз ўзи кифоя деб ўйлаймиз: «Остроумов Н. П. «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири сифатида Туркистон генерал-губернатори канцеляриясида 1884 йил 10 июлда йўллаган ҳисоботида. (Ўзбекистон Давлат Марказий архиви. 1-жамғарма, 1884 йил, 2520-иш. (2-жилд), 188-189 бетлар, таржимаси)».

«Мен... Русия мусулмонларида соф мусулмонча аъмолларининг ҳамда исломнинг тикланиши ва умуман, мусулмонларнинг, хусусан, татарларнинг

Модомики, гап «Одамийлик сийрати. Бойбўта Дўстқораев замондошлари хотирасида» китоби хусусида кетар экан, авваламбор, фидойи мураббийнинг жонқуяр шогирдлари экан ёру дўстлари, қавму қариндош ва сафдош-маслақдошлари эзгу ишлари учун чин қалбдан миннатдорлик билдирагимиз.

Сирожиuddin САЙИДИ, Ўзбекистон халқ шоири.



келгусида буюк маърифатпарварлик миссиясига оруз-умидларини мустаҳкамлаш учун маҳорат ва куч-ғайрат билан ури-наётган мусулмонча «Таржумон» газетасига қарши... зимдан кураш олиб бордим».

Иккинчи иқтибос ХХ аср бошларидаги воқеликдан келтирилади: «Хурийд» газетаси. 1906 йилдан Мунавваркори муҳарририлигида, тошбосма усулида чиқа бошлади.

«Хурийд» газетаси. 1906 йилдан Мунавваркори муҳарририлигида, тошбосма усулида чиқа бошлади. «Эл орасидаги эътиборига қараб баҳо қўйилганда, «Тараққий»дан кейин кўзга иларлик газета «Хурийд» газетаси бўлди.

Изоҳга ҳоҷат бўлмаса керак. Беҳтиёр Ойбек домланинг ўша долғали йилларда битган «Курашди икки тўлқин, қараб турайми!» деган сатрлари ёдга келади.

Тасаввур қилинг: орадан салкам бир ярим аср ўтгандан кейин ҳам бу кураш ҳали-ҳамон давом этаётир...

Афсуски, «Жадид» газетасини қўриш бахти жадид Бойбўта Дўстқораевга насиб қилмади. У кишининг адабиётга эътиқоди, меҳри қучли эди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг биронта сонини ҳам қолдирмай ўқиб борувчи садоқатли газетчон бўлган. Шу ўринда газета чиқадиغان жума кунини интиқ-интизорлик билан кутадиган ашаддий ота мухлиси ҳақида оила аъзолари айтиб берган бир ғайритабиий воқеа эгса тушади:

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини олмадиларинми?.. Ана шу кутилмаган «уйғонишдан» кейин Бойбўта аканинг фарзандлари:

«Дадам, ҳақиқатан ҳам, ўзларига келдилар. Чунки ўзи яхши кўрадиған газетани сўрадимни, дедим, ҳаммаси жойида!» — деб хотиржам бўлишган экан.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг мукааб берилиши учун обунани расмийлаштираган ташкилот жаавобгар.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6